



# O'ZSANOATQURILISH BANK

"O'zbekiston sanoat-qurilish banki" aksiyadorlik tijorat banki  
"Uzbek Industrial and Construction Bank" Joint-Stock Commercial Bank  
Акционерный коммерческий банк "Узбекский промышленно-строительный банк"

## Акциядорларнинг навбатдаги хисобот умумий йиғилиши 35-сонли баённомасидан кўчирма

Манзил: «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ биноси,  
Тошкент ш., Шахрисабз кўчаси, 3

2017 йил 28 апрель  
иш вақти 11.00-13.00

Йиғилиши Банк Кенгаши аъзоси – А.Камалов очди.

Банк Кенгаши томонидан 2017 йил 5 апрелда Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунлари ҳамда “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Уставига биноан, Акциядорларнинг умумий йиғилишини чакириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда умумий йиғилиш ўтказиш тўғрисидаги хабар Банкнинг расмий веб-сайтида жойлаштирилди, “Биржа” иқтисодий газетасининг 2017 йил 6 апрелдаги сонида эълон қилинди ҳамда акциядорларнинг электрон почта манзилига юборилди.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 61-моддасига ҳамда Банк Кенгашининг қарорига биноан, Умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхатини тузиш санаси 2017 йил 24 апрель деб белгиланди.

Акциядорлар Умумий йиғилишининг ваколатли эканлиги (*кворум тўйланганлиги*) бўйича сўз Саноқ комиссиясининг раиси - Азизхон Нодировга берилди. “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ акциядорларининг реестрига кўра, 2017 йил 24 апрель ҳолатига Умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхатига жами 204 365 135 (икки юз тўрт миллион уч юз олтмиш беш минг бир юз ўттиз беш) дона оддий акциялар эгаси бўлган 5 250 (беш минг икки юз эллик) та акциядор киритилган.

Акциядорлар рўйхатининг тўғри расмийлаштирилганлиги ва акциядорлар номидан Умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган вакилларнинг ваколатлари тасдиқланди.

Саноқ комиссияси раиси йиғилишда иштирок этиш учун умумий овоз берувчи акцияларнинг 177.456.421 (*бир юз етмиши етти миллион тўрт юз эллик олти минг тўрт юз йигирма бир*) дона ёки 86,8 фоизига эгалик қилувчи 18 (*юн саккиз*) нафар акциядор ва акциядорларнинг вакиллари рўйхатдан ўтганлиги ва Умумий йиғилиш ваколатли, яъни кворум мавжудлигини маълум қилди.

*Саноқ комиссияси баённомаси, акциядорлар ва уларнинг вакиллари рўйхати, Саноқ комиссияси маълумоти матни илова қилинади.*

Йиғилишга раислик қилувчи Банк Кенгаши аъзоси - А.Камалов банк Акциядорларининг Умумий йиғилишини очиқ деб эълон қилди ҳамда йиғилишда банкнинг йирик акциядорлари Тикланиш ва тараққиёт жамгармаси номидан - Ижрочи директор ўринбосари Ш.Вафаев, бошқарма бошлиғи ўринбосари У.Мухтаров, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ номидан - бошқарма бошлиғи ўринбосари И.Субанов, “Узнефтмаксулот” АКномидан - бош бухгалтер И.Абидов, бошқа акциядорлар ва уларнинг вакиллари ҳамда Банкнинг масъул ходимлари иштирок этаётганлиги тўғрисида хабар берди.

Акциядорлар Умумий йиғилишининг Ишчи органлари қуидаги таркибда тузилди:

Йиғилиш хайъати: А.Камалов (Раислик қилувчи), Ш.Вафаев, У.Мухтаров, И.Абидов, О.Алмарданов.

Йиғилиш котибияти: З.Баймурадова, К.Хасанова

Саноқ комиссияси: Б.Анаркулов, Д.Расулов, А.Нодиров, З.Бекова.

Акциядорлар Умумий йиғилишининг кун тартибига қуидаги масалалар киритилган:

1. Банк Кенгashi ва Boшқарувининг йиллик ҳисоботини, банкни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботларини эшлиши;
2. Банк Тафтиш комиссиясининг хулосасини эшлиши;
3. Банкнинг 2016 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш;
4. Банқда ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш;
5. Банк фойдасини тақсимлаш;
6. Банк Кенгashi аъзоларини сайлаш;
7. Банк Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш;
8. Банк Boшқарувி Раиси ва Boшқарув аъзолари билан тузилган меҳнат шартномаларини 1 (бир) йил муддатга узайтириш;
9. Банк акцияларини майдалаш;
10. Банкнинг эълон қилинган акцияларининг энг кўп миқдорини белгилаш;
11. Банк Уставига ўзгартиришлар киритиши;
12. Банкнинг ташкилий тузилмасига ўзгартиришлар киритиши ва қайта тасдиқлаш;

Умумий йиғилишни иш тартиби қуидагича белгилаб олинди:

Кун тартибига киритилган масалалар буйича ҳисбот ва ахборот бериш, музокараларда сўзга чиқиш, овоз бериш учун қуидаги регламент ўрнатилди:

- Банк Кенгashi ва Boшқарувининг йиллик ҳисоботи бўйича маъruzachiiga – 20 дақиқагача;
- Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи бўйича маъruzachiiga – 20 дақиқагача;
- Маърузалар бўйича муҳокамалар учун – 35 дақиқагача;
- Кун тартиbidagi масалалар бўйича овоз бериш учун – 20 дақиқагача.

Кун тартибига киритилган масалалар бўйича овоз бериш тартиби ҳам белгиланиб олинди.

Кун тартиbidagi биринчи масала - «Банк Кенгashi ва Boшқарувининг йиллик ҳисоботини, банкни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботларини эшлиши» масаласи юзасидан Банк Boшқаруви Раиси ўринбосари – О.Алмарданов маъруза қилди (*илова этилади*).

Кун тартиbidagi иккинчи масала – «Банк Тафтиш комиссиясининг хулосасини эшлиши» масаласи бўйича Тафтиш комиссияси аъзоси – О.Худойбердиев маъруза қилди (*илова этилади*).

Кун тартибининг қолган масалари бўйича йиғилишга раислик қилувчи А.Камалов батафсил тўхталиб ўтди ва тегишли тушуниришларни берди.

Кун тартибига киритилган масалаларни кўриб чиқиши натижалари бўйича ҳамда киритилган таклифлар ва овоз бериш якунларини ҳисобга олган ҳолда, Акциядорлар Умумий йиғилиши - “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБни республика иқтисодиёти ва банк тизимини ислоҳ этиш ҳамда миллий иқтисодиётдаги ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича Ҳукумат қарорларини бажариш йўлида барқарор фаолият юритаётганлигини қайд этди.

2016 йил якунлари бўйича “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ “Ахбор-Рейтинг” миллий рейтинг компаниясининг “uzA+” даражасидаги «Ижобий» прогноз билан юкори рақобатбардошлик рейтингини кўлга киритди.

Шунингдек, банкнинг барқарор ривожланиб бораётганлиги халқаро рейтинг компаниялари томонидан ҳам тасдиқланмоқда. Жаҳонда катта нуфузга эга “Fitch Ratings” халқаро рейтинг агентлиги “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ рейтингини “B+” даражада “Барқарор” истиқболи билан қайта тасдиқлади. Ҳисобот йилида яна бир нуфузли рейтинг агентлиги “Standard&Poor’s” ҳам “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБга “B+” даражада “Барқарор” бўлган халқаро рейтингини қайта тасдиқлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг иқтисодиёт реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантириш, банкнинг капиталлашув даражасини янада ошириш ва иқтисодиётни модернизациялаш бўйича инвестицион жараёнлардаги иштирокини фаоллаштириш, бозор ва банк инфратузилмасини кенгайтириш, молиявий кўрсаткичларни янада яхшилаш, аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини оширишга қаратилган қарорлар ва дастурларни бажаришда Ўзсаноатқурилишбанкнинг фаоллигини ошириш мақсадида, кун тартибидаги масалаларни кўриб чиқиб, Банк Акциядорларининг умумий йиғилиши

### **ҚАРОР ҚИЛДИ:**

**1.** Банк Кенгаши ва Бошқарувининг 2016 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи тасдиқлансан. Банк Кенгаши ва Бошқарувининг фаолияти қоникарли деб топилсан.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 177.456.421 овоз

«Ёқлайман» - 177.456.421 овоз, «Қаршиман» - йўқ, «Бетарафман» – йўқ.

**2.** Тафтиш комиссиясининг Банкнинг 2016 йилдаги молиявий хўжалик фаолиятини текшириш натижалари тўғрисидаги ҳисоботи ва холосаси тасдиқлансан.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 177.456.421 овоз

«Ёқлайман» – 177.456.421 овоз, «Қаршиман» – йўқ, «Бетарафман» – йўқ.

**3.** Банкнинг 2016 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботи тасдиқлансан.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 177.456.421 овоз

«Ёқлайман» – 177.456.421 овоз, «Қаршиман» – йўқ, «Бетарафман» – йўқ.

**4.** Банқда ўтказилған корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижалари тасдиқлансин.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 177.456.421 овоз

«Ёқлайман» – 177.456.421 овоз, «Қаршиман» – йўқ, «Бетарафман» – йўқ.

**5.** Банк Кенгаши таклиф этган банк фойдасини тақсимлаш тартибига розилик билдирилсин.

Тақсимланиши лозим бўлган 72.191,9 млн.сўм миқдордаги банк фойдаси қуийдагиларга йўналтирилсин:

- Умумий мақсадли захирани шакллантиришга – 3.609,6 млн.сўм;
- Имтиёзли кредитлаш фондини шакллантиришга – 14.252,5 млн. сўм;
- «Стандарт» деб таснифланган активлар бўйича заҳира – 14.438,4 млн. сўм;
- Банк Устав капиталини капитализациясига – 14.796,6 млн. сўм;
- Банкнинг имтиёзли акциялари бўйича дивидендлар тўлашга – 1.555,7 млн. сўм;
- Банкнинг оддий акциялари бўйича дивидендлар тўлашга – 21.657,6 млн. сўм;
- Бошқарув ва назорат органлари аъзоларини тақдирлашга – 411,8 млн. сўм;
- Тақсимланмаган фойдада қолдириладиган маблағ – 1.469,7 млн. сўм.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 177.456.421 овоз

«Ёқлайман» – 177.456.421 овоз, «Қаршиман» – йўқ, «Бетарафман» – йўқ.

**5.1.** Банк акциялари бўйича 2016 йил учун дивидендлар тўлаш ҳақидаги Банк Кенгашининг таклифи қабул қилинсин ва қуийдаги миқдорда дивидендлар тўлансин:

- имтиёзли акциялар бўйича йиллик 23 % ҳисобидан – 1.555,7 млн. сўм миқдорида;
- оддий акциялар бўйича йиллик 3,13 % ҳисобидан – 21.657,6 млн. сўм миқдорида.

Дивидендларни тўлаш акциядорларнинг ҳисоб варакларига пул ўтказиш орқали мазкур қарор тўлиқ расмийлаштирилгандан сўнг, лекин ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан 60 кундан кеч бўлмаган муддатда амалга оширилсин.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 177.456.421 овоз

«Ёқлайман» – 177.456.421 овоз, «Қаршиман» – йўқ, «Бетарафман» – йўқ.

**6.** Кумуллятив овоз бериш натижаларига кўра, Банкнинг Саноқ комиссияси баённомасига мувофиқ Банк Кенгаши аъзолари қуийдаги таркибда сайлансин:

№	Сайланувчининг фамилияси, исми ва отасининг исми	Эгаллаб турган лавозими	Тўпланган овозлар сони	Тўпланган овозлар (фоизда)
1.	Камалов Аюбхон Арибджанович	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, бошқарма бошлиғи ўринбосари	210 714 926	13,19%
2.	Ибрагимов Фуломжон Иномович	Ўзбекистон Республикаси Бош Вазири ўринбосари	202 679 882	12,69%

3.	Султанов Алишер Сайдаббасович	“Ўзбекнефтгаз” МХК Бошқаруви Раиси	202 571 882	12,68%
4.	Гулямов Равшан Аюбович	Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси	154 895 132	9,70%
5.	Турсунов Ёрқин Эргашевич	Ўзбекистон Республикаси Молия вазири ўринбосари	154 787 132	9,69%
6.	Хажимуратов Шерзод Юлдашевич	Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Раиси ўринбосари	154 787 132	9,69%
7.	Саломов Фазлитдин Ибодуллаевич	“Ўзбекэнерго” АЖ Бошқаруви Раиси	154 783 339	9,69%
8.	Абдужаббаров Шерали Янгибаевич	“Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси” Давлат корхонаси Бош директори	151 828 949	9,51%
9.	Мухтаров Улугбек Хакимович	Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, бошқарма бошлиғи ўринбосари	148 942 238	9,33%

**7.** Акциядорлар умумий йиғилишининг овоз бериш натижаларига қўра, Банкнинг Саноқ комиссияси баённомасига мувофиқ Банк Тафтиш комиссияси таркибиға қўйидагилар сайлансин.

**Камбаров Муҳаммаджон Асқаровиҷ,**

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, бош мутахассис

**Дарвишев Нурбек Муратович,**

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, бош мутахассис

**Яриев Шерзод Шукуржанович,**

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, бошқарма бошлиғи ўринбосари

**Худойбердиев Олимжон Абдуллаевич,**

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, бош мутахассис

**Рахимов Жамолиддин Камолитдинович,**

“Ўзнефтмаҳсулот” акциядорлик омпанияси, бош мутахассис

**8.** Банк Бошқаруви Раиси – А.Мирсоатов ва Бошқаруви аъзолари - Ж.Обиджонов, Ш.Якубов, О.Алмарданов, Ф.Хамирова, Б.Норхужаев ва О.Вохидов билан тузилган меҳнат шартномалари 1 (бир) йил муддатга узайтирилсин.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 177.456.421 овоз

«Ёқлайман» – 177.456.421 овоз, «Қаршиман» – йўқ, «Бетарафман» – йўқ.

**9.** Банк акцияларини майдалаш тасдиqlансин. Бунда бир дона банк акциясини бир юз етмиш саккизга бўлиниши белгилансин.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 177.456.421 овоз

«Ёқлайман» – 171.090.421 овоз, «Қаршиман» – йўқ, «Бетарафман» – 6.366.409 овоз.

**10.** Банкнинг эълон қилинган акцияларининг энг кўп миқдорини белгилаш тасдиқлансин.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 177.456.421 овоз

«Ёқлайман» – 177.456.421 овоз, «Қаршиман» – йўқ, «Бетарафман» – йўқ.

**11.** Банк Уставига киритилаётган ўзгартиришлар тасдиқлансин (*илюва қилинади*).

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 177.456.421 овоз

«Ёқлайман» – 171.092.033 овоз, «Қаршиман» – йўқ, «Бетарафман» – 6.364.388 овоз.

**12.** Банкнинг ташкилий тузилмаси тасдиқлансин.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 177.456.421 овоз

«Ёқлайман» – 161.492.171 овоз, «Қаршиман» – йўқ, «Бетарафман» – 15.964.250 овоз.

**“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ**

Акциондорлари умумий йиғилиши Раиси:

**А. Камалов**

Акциондорлар умумий йиғилиши  
котибияти:

**З. Баймурадова**

**К. Хасanova**



**ASLIGA TO'G'RI**

Баённома расмийлаштирилган сана: 2017 йил 3 май.